

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАМАЛОВА ГУЛЬНОРА ГУЛЯМОВНА**

**13 ДАН 23 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАРДА БАЧАДОН,  
ТУХУМДОНЛАРНИ ҲАЙЗ ДАВРИДА ВА БИРЛАМЧИ,  
ИККИЛАМЧИ АМНОРЕЯДА УЛЬТРАТОВУШ АНАТОМИЯСИ**

**14.00.02 – Морфология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Камалова Гульнора Гулямовна**

13 дан 23 ёшгача бўлган қизларда бачадон, тухумдонларни  
ҳайз даврида ва бирламчи, иккиламчи аменореяда

ультратовуш анатомияси ..... 3

**Камалова Гульнора Гулямовна**

Ультразвуковая анатомия матки и яичников в период  
менструального цикла, при первичной и вторичной

аменорее у девушек в возрасте от 13 до 23 лет ..... 23

**Kamalova Gulnora Gulyamovna**

Normal and ultrasound anatomy of uterus and ovaries in the girls  
aged 13 to 23 during the menstrual period in primary and

secondary amenorrhea ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАМАЛОВА ГУЛЬНОРА ГУЛЯМОВНА**

**13 ДАН 23 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАРДА БАЧАДОН,  
ТУХУМДОНЛАРНИ ҲАЙЗ ДАВРИДА ВА БИРЛАМЧИ,  
ИККИЛАМЧИ АМНОРЕЯДА УЛЬТРАТОВУШ АНАТОМИЯСИ**

**14.00.02 – Морфология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib16 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Касым-ходжаев Ибрагимджан**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Миршаратов Ўткир Миршаратович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Шавкат Махмудович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Х.А. Ясавий номидаги қозоқ – турк халқаро университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашда 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г. И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий Кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий Кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**У.М. Миршаратов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий Кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда, ўспирин-қизлар орасида гинекологик касалликлар учраш тезлиги турли муаллифлар маълумотларига кўра 7,1 дан 64,2% гача ўзгариб туради<sup>1</sup>. Ички жинсий аъзоларнинг ривожланиш нуқсонлари 0,1-0,5% аёлларда учрайди. Репродуктив ёшдаги аёллар орасида аменорея учраш сони 1,8-3,5% ни, талабалар орасида эса – 3,5-5,0% ни, ҳайз цикли ва генератив вазифасини бузилиши 10-15%, бирламчи аменореяни иккиламчи аменореяга нисбатан кам учраши ва аменореялар таркибида бирламчи аменорея 10%, Е.А.Богданова бўйича эса 14%, Ч.Бекманн ва ҳаммуал. кўра–5% ни ташкил этади<sup>2</sup>. Бирламчи аменорея учраш сони 1,0 дан 10% гача ўзгариб туради, бошқа муаллифлар маълумотларига кўра 3,5% дан 11,0% гача учрайди<sup>3</sup>. Қизлардаги ҳайз цикли бузилишлари ичида бирламчи аменорея пубертат даврда 5,3%, иккиламчи аменорея – 4,2% ни ташкил қилади. Касаллик ва ёш орасида узвий боғлиқлик борлиги, ёш ўтиши билан организмнинг адаптация имкониятлари пасаяди, ўз-ўзини бошқариш тизимида заифлик юзага келиши, ёшга оид патологияларга оид мойиллик механизмлари шаклланади. Аёллар жинсий аъзоларини текшириш усулларида энг кўп тарқалганидан бири бўлиб ультратовушли сканерлаш ҳисобланади, унинг ёрдамида бачадон ва тухумдонларнинг жойлашиши, конфигурацияси, шакллари шунингдек аномалиялари, ривожланиш нуқсонларини меъёрга нисбатан солиштириш имкони мавжуд. Акушерлик ва гинекология соҳасига доир маълумотлар ўрганилишидан маълум бўлдики, ҳозирги кунгача меъёрда, ҳайз цикли даврида ва аёллар жинсий аъзолари нуқсонларида эхопараметрларнинг ёшга оид ўзгаришларига бағишланган фундаментал ишлар деярли мавжуд эмас, бу эса ўз ўрнида муаммонинг алоҳида долзарблигини ва заруратини белгилайди.

Жаҳонда фертил ёшидаги қизларда бачадон, тухумдонларни ҳайз даврида ва бирламчи, иккиламчи аменореяни ультратовуш ёрдамида эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларга, бачадон ва тухумдонларнинг 13 ёшдан 23 ёшгача бўлган ёшда меъёрда, бирламчи ҳамда иккиламчи аменореяда ёшга боғлиқ эхопараметрларини, меъёрий ҳайз циклида, ҳайз циклигача, ҳайз вақтида, ҳайз циклидан кейин, бирламчи ва иккиламчи аменореяда ўрганилган аъзоларда эхопараметрик кўрсаткичларнинг ёшга оид энг жадал ўзгаришлари давларини, бачадон ва тухумдонларнинг эхопараметрик кўрсаткичлари ёшга оид ўзгаришларини меъёрда, бирламчи ва иккиламчи аменореяда ўзаро боғлиқлигини асослаш, шунингдек, меъёрдаги эхопараметрик кўрсаткичларнинг бирламчи ва иккиламчи аменореядаги кўрсаткичлар билан қиёсий таҳлилини, бачадон ва тухумдонларнинг ҳар бир ёшга хос бўлган

<sup>1</sup> Jain K.A. Sonographic spectrum of gemorrhagic ovarian cysts // Ultrasound. meg. - 2009. – Vol. 2, №1. – P. 879-886.

<sup>2</sup> Бекманн Ч., Линг Ф., Баржански Б. и др. Акушерство и Гинеколог; Пер. с англ. /Ред. С.Н.Зинько. - М.: Мед. Литература, 2004. – С. 303-305.

<sup>3</sup> Озёрская И.А. Значение ультразвукового исследования при первичной дисменорее //Ультразвуковая и функциональная диагностика. –2005. - № 4. – С. 35-49.

эхопараметрик кўрсаткичларини маълум бир ҳудуд учун ишлаб чиқиш, аёллар саломатлиги ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва такомиллаштириш зарур. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>4</sup> мамлакатимизда «...оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, унинг бирламчи бўғинида, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш ва муҳофаза қилиш...» тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Фертил ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий ташхисот усулларини ишлаб чиқиш ва бажаришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда ёшга доир ўзгаришлар натижасида меъёр ва нуқсонларда кузатиладиган структур ва морфометрик ўзгаришларда тухумдон ва бачадонда анатомик ва функционал ўзгаришлар юзага келиб, улар аъзоларнинг ўлчамлари кичрайиши ёки катталашishi, аъзолар қаватлари қалинлигини ўзгаришлари, кейинчалик, катта ёшларда эхопараметрлар кичрайиши билан намоён бўлади, улар орасида янги ўзаро боғлиқликлар пайдо бўлади. Меъёрда ва аменореяда организмнинг турли функционал тизимлари, шунингдек аёллар жинсий аъзоларида ёшга оид ўзгаришларни ўрганиш негизида ушбу аъзоларнинг мослашиш имкониятларини таҳлил қилиш ётади (И.С.Савельева ва бошқ., 2001; Ю.Ю.Чеботарёва ва бошқ., 2005; Е.В. Уварова ва бошқ., 2005; А.В.Прохоров 2008). Айнан шу турли ҳаётий вазиятларда (ҳайз цикли, аменорея, туғруқ ва б.) функционал тизимнинг ишончлилиги, мустаҳкамлик захираси, унинг жавоб реакцияси характерини белгилаб беради. Аёллар жинсий аъзоларининг

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

меъёрда ва патологияларда ёшга оид ўзгаришлари эхопараметрларини ўзгаришларини баҳолашда ультратовушли текшириш муҳим ўрин эгаллайди. Ультратовушли таснифлар аёллар жинсий аъзоларининг морфофункционал ўзгаришлари, адаптацион имкониятлари кинетикаси ва диапазонини баҳолашда катта аҳамият касб этади (Гуркин Ю.А ва бошқ., 2000; Захарова Л.В., 2000; В.А.Быковский В.А. ва бошқ., 2002; В.Б.Цхай В.Б. ва бошқ., 2006; В.Н.Николонко ва бошқ., 2010, R.Devlieger et al., 2003; К.А. Jain, 2009).

Ўзбекистонда аёлларнинг бачадон ва тухумдондаги ўзгаришларини акушер-гинекологик жиҳатдан ўрганишган бироқ, анатомо- физиологик ва органометрик жиҳатдан ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот режаларига мувофиқ «Ультратовуш ёрдамида туғруқ ёшидаги аёллар жинсий аъзоларининг морфологик ва марфометрик ўзгаришларини ўрганиш» (2014-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бачадон ва тухумдонларнинг ёшга оид эхопараметрларини ҳайз цикли вақтида ва бирламчи ҳамда иккиламчи аменореяда 13 ёшдан 23 ёшгача бўлган қизларда текшириш натижаларни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бачадон ва тухумдонларнинг 13 ёшдан 23 ёшгача бўлган ёшда меъёрда ва бирламчи (13-16 ёш) ҳамда иккиламчи аменореяда (17-23 ёш) ёшга боғлиқ эхопараметрларини аниқлаш;

меъёрий ҳайз цикли даврида (ҳайз циклигача, ҳайз вақтида, ҳайз циклидан кейин), бирламчи ва иккиламчи аменореяда ўрганилган аъзоларда эхопараметрик кўрсаткичларнинг ёшга оид жадал ўзгаришлари даврларини аниқлаш;

бачадон ва тухумдонларнинг эхопараметрик кўрсаткичлари ёшга оид ўзгаришларининг меъёрда, бирламчи ва иккиламчи аменореяда ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

меъёрдаги эхопараметрик кўрсаткичларнинг бирламчи ва иккиламчи аменореядаги кўрсаткичлар билан қиёсий тахлилини ўтказиш,

бачадон ва тухумдонларнинг ҳар бир ёш учун хос бўлган эхопараметрик кўрсаткичларини маълум бир ҳудуд учун ишлаб чиқиш ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 13 дан 23 ёшгача бўлган ва профилактик кўрикдан ўтган 1155 нафар соғлом қизлар, шунингдек бирламчи ва иккиламчи аменорея мавжуд бўлган 130 нафар қизлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бачадон ва тухумдонлар хизмат қилди. Бачадон ва тухумдонлар эхопараметрларининг «Chison-8300» ультратовуш аппаратидан ёрдамида аниқланган кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда В.В.Митьков (1996), П.Е.Пальмер (2000) услуби бўйича ультратовуш текширувлари, органометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк маратоба бачадон ва тухумдонларнинг ҳайз даврларида меъёрида эхопараметрлари текширишга асосланган бачадон узунлиги 13 дан 23 ёшгача бўлган қизларда ҳайз цикли вақтида ва ҳайз циклидан кейин ўртача 1,37 дан 1,46, олдинги-орқа ўлчами 1,08 дан 1,24, кенглиги 1,4 дан 1,48 марта катталашishi, ҳайз циклининг барча даврларида бачадоннинг узунлиги ва кенглиги 20 ёшга келиб, олдинги-орқа ўлчамлари эса 19 ёшга келиб энг катта қийматларига, бачадон бўйининг жадал ўсиши 14, 16 ва 20 ёшда, кенглиги бўйича ўсиши 14, 15 ва 20 ёшда содир бўлиши, тухумдонларнинг узунлиги ва кенглиги орасидаги билатерал фарқлар 13 ва 17 ёшдан ташқари барча ёшларда кузатилишига асосланган;

бирламчи аменореяда меъёрга нисбатан бачадон узунлиги 13-16 ёшда, олдинги-орқа ўлчамлари 13 ва 15 ёшда, кенглиги 15 ва 16 ёшда энг кичик ўлчамда эканлиги, бачадоннинг энг катта фарқи кенглигида, олдинги-орқа ўлчамида, асосан, унинг эндометрийси қалинлиги ҳамда ўнг тухумдон узунлиги меъёрга нисбатан – 0,3 дан 2,4 мм гача, чап тухумдонники – 4,7 дан 6,8 мм гача, кенглиги, мос равишда 0,2 дан 3,4 мм гача ва 1,4 дан 2,6 мм гача, олдинги-орқа ўлчамлари эса, мос равишда, 0,4 дан 1,9 мм гача ва 0,6 дан 3,0 мм гача, ўнг тухумдонга нисбатан чап тухумдоннинг барча эхопараметрлари бирламчи аменореяда меъёрдан катта фарқ қилиши исботланган;

иккиламчи аменореяда бачадон узунлиги меъёрга нисбатан 0,7-3,2 мм га, олдинги-орқа ўлчами – 0,7-3,2 мм га, кенглиги – 0,5-3,5 мм га кичиклиги, эндометрий қалинлиги 4,1-6,3 мм га кичиклиги, ўнг тухумдон узунлиги меъёрга нисбатан ўртача 1,1 дан 2,4 мм гача кам, кенглиги эса – 0,5-1,0 мм кичиклиги, ўнг тухумдоннинг энг кўп фарқи 18, 21 ва 22 ёшларда, пўстлоқ қавати қалинлиги иккиламчи аменореяда барча текширилган ёш даврларида чап тухумдонга солиштирганда кичиклиги, ўнг тухумдоннинг энг кичик фолликулалари диаметри иккиламчи аменореяда ўртача 0,1-1,4 ммга, чап тухумдонники эса 1,0-3,0 мм га кичиклиги исботланган;

ўнг тухумдоннинг энг катта фолликулалари диаметри иккиламчи аменореяда 17, 18, 19 ёшларда меъёрдандан катта, 20, 23 ёшларда меъёрга нисбатан кичкина (3,3-11,0 мм), чап тухумдонда бу диаметр барча текширилган ёш гуруҳларида назоратга солиштирганда анча кичик (15,3-16,2 мм) эканлиги исботланган;

ҳайз циклининг барча даврларида ўнг тухумдон (ЎТ) узунлиги 22 ёшга, чап тухумдон эса – чап тухумдонда сариқ тана бўлганда ҳайз цикли вақтида (ЧТСХЦ) 20 ёшга, ўнг томонлама овуляцияда ҳайз циклигача (ЎТОХЦ) 22 ёшга, ҳайз циклининг бошқа даврларида 23 ёшга келиб максимум қийматларига эга бўлиши иккала тухумдонларнинг мағиз бўлими қалинлиги 13 ёшдан 16 ёшгача ҳайз циклининг барча даврларида деярли бир хил 17 ёшдан кейин у ўнг томонда 2,0 дан 2,5, чап томонда 2,3 дан 2,9 марта катталашади, текширилган ёш даврларининг барчасида ўнг тухумдон пўстлоқ қавати қалинлиги 1,1 дан 1,27, чап тухумдонники 1,2 дан 1, 27 мартагача катталашishi исботланган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

меъёрда бачадон ва тухумдонларнинг ультратовушли ўлчамлари ўзгаришининг ёшга оид жадаллашишни ўрганишда ёшга боғлиқ ҳолда ёндошиш репродуктив ёшдаги қизларда ўсиш суратига таъсир қилувчи омилларнинг ўрнини аниқлаш имконини берган;

ёшга оид ўзгаришларни ташхислаш масалаларини ечишда аёллар жинсий аъзолари ўзаро нисбати мураккаб мажмуини аниқроқ тасаввур қилишга ёрдам берган;

ҳар бир ёш даврига хос бўлган бачадон ва тухумдонларнинг ёшга оид эхопараметрлари ҳақида олинган маълумотлар аъзо патологияларида профилактик тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга ёрдам берган;

ёш гуруҳларидаги қизларда бачадон ва тухумдонлар эхопараметрларини мунтазам текшириш амалий ва назарий аҳамиятга эга, сабаби шифокор учун ўсиш ва ривожланишда орқада қолишни эрта аниқлаш ва назорат қилиш, бунга олиб келадиган сабабларни тезкор аниқлаш ва зарурат бўлганда аъзолар ривожланиши учун оптимал шароитларни яратиш имконини берган;

ёшга мос равишда бачадон ва тухумдонларнинг меъёр ва патологияда ультратовушли ўлчамларини билиш суд-тиббиёт экспертизаси учун амалий аҳамиятга эгалигига асосланган;

шахси номаълум жасадларни текширишда ёш, патологик жараёнлар, ҳомиладорлик, абортларни аниқлаш учун аёллар жинсий аъзоларини текшириш, шахсни идентификациялаш учун муҳим ҳисобланган;

бачадон ва тухумдонларнинг меъёрий ультратовушли ўлчамлари клиник анатомия, акушерлик ва гинекология, суд тиббиёти ва топографик анатомия соҳасида ўқув жараёнида қўллаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, объектив ультратовуш, органометрик ва статистик усулларига асосланганлиги, 13 дан 23 ёшгача бўлган қизларда бачадон, тухумдонларни ҳайз даврида ва бирламчи, иккиламчи аменореяни эрта ташхислаш, даволаш бўйича ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти клиникагача ташхислашда эхографик текширув тухумдонлар ва бачадоннинг голотопия, топография ва синтопияси ҳақида тўлиқ маълумот олиш, эрта босқичларда кичик чаноқ бўшлиғи аъзоларининг ҳажмли ҳосилаларини аниқлаш, патологик жараён тарқалганлигини, шунингдек ёндош касалликларни баҳолаш имконини берган. Шунингдек, эхография аменорея генезини ва оқилона даволаш тизимини танлашда ёрдам берадиган усул ҳисобланади. Ультратовушли текширув иккиламчи аменореяли беморларни комплекс текширишнинг зарурий компоненти ҳисобланади. Қизларда бачадон, тухумдонларни ҳайз даврида ва бирламчи, иккиламчи аменореяни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга меъёрда бачадон ҳамда тухумдонларнинг ёшга оид ультратовуш ўлчамларини ўрганиш, репродуктив ёшдаги қизларнинг ўсиш

суратига таъсир қилувчи ёшга оид омилларнинг таъсирини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти репродуктив ёшда меъёрдаги бачадон ва тухумдонларнинг ёшга оид эхопараметрлари репродуктив сфера патологияларида профилактик тадбирлар комплексини ёшга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқиш учун негиз бўлиб ҳисобланади. Бачадон ва тухумдонларнинг ёшга оид эхопараметрларини билиш ушбу аъзолар патологияларини ташхислаш, консерватив ёки оператив даволаш усулларини танлаш учун ёрдам беради. Олинган натижалар шифокорларга қизларнинг ўсиш ва ривожланишни орқада қолишини эрта аниқлаш ва назорат қилиш, салбий омилларни бартараф қилиш, қизларда жинсий аъзоларнинг меъёрий ривожланиши учун оптимал шароит яратиш имконини берган. Эхографик параметрларни билиш бачадон ва тухумдонларнинг аномалиялари ташхисотида аниқлик киритиш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** 13 ёшдан 23 ёшгача бўлган қизларда бачадон, тухумдонларни ҳайз даврида ва бирламчи, иккиламчи аменореяда ультратовуш анатомияси эрта ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«13 ёшдан 23 ёшгача бўлган қизларда бачадон ва тухумдонларни ёш мос равишда эхопараметрик хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 14 ноябрдаги 8н/176-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма 13 дан 23 ёшгача қизларда бачадон ва тухумдонларнинг эхопараметрик кўрсаткичларни ультратовуш текширувлари асосида аниқлаш ва патологик ўзгаришларни ташхислаш ва даволаш тизимини аниқлаш имконини берган;

«13 дан 23 ёшгача бўлган қизларда бачадон тухумдонларни ҳайз даврида ва бирламчи, иккиламчи аменореяда ультратовуш анатомияси бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти, Наманган вилояти, Фарғона вилояти перинатал маркази ва Наманган вилояти Чортоқ туғруқ комплексининг клиник амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/27-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши ҳайз даврида бачадон узунлиги 13 дан 23 ёшгача бўлган қизларда 1,37 дан 1,46 мартага, олдинги-орқа ўлчам 1,24 мартага, кенглиги 1,5 мартага катталашади. Бунда ҳайз циклининг барча даврларида бачадон узунлиги ва кенглиги 20 ёшга келиб ,максимум қийматларига етади, олдинги-орқа ўлчам эса 19 ёшда, бачадон буйинчаси узунлиги 22 ёшда кузатилишини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та

илмий мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хайз даврида барламчи ва иккламчи аменореяда бачадон ва тухумдонлардаги ўзгаришларни баҳолашнинг долзарб муаммолари»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда хайз даврида бирламчи ва иккламчи аменореяда бачадон ва тухумдонлардаги ўзгаришларнинг меъёрий анатомик, морфологик, морфометрик кўрсаткичлари уларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Хайз даврида бирламчи ва иккламчи аменореяда бачадон ва тухумдонлардаги ўзгаришларни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида 1155 нафар соғлом, шунингдек 130 нафар бирламчи ва иккламчи аменорея билан касалланган 13 ёшдан 23 ёшгача бўлган ўзбек миллатига мансуб ва жинсий ҳаёт билан яшамайдиган Наманган вилоятида профилактик кўрикга жалб қилинган қизлар текширилган. Олинган натижалар вариацион-статистик усулларда қайта ишлашни ўз ичига олади. Барча 1155 нафар қизларда 28-29 кунлик хайз цикли бўлиб, бачадон ва тухумдонларда бирор бир ўзгаришлар бўлмаган. 130 нафар бирламчи ва иккламчи аменореяси бор қизларда эса хайз цикли бўлмаган.

Текширишда датчиклар диапозони 3,5-5 мГц га эга «Chison-8300» ультратовуш аппаратида олиб борилди.

Жинсий аъзоларни ҳолатини баҳолаш учун В.В.Митков бўйича бачадон ва тухумдонларни хайз даврида ва бирламчи ва иккламчи аменореяда 16 та параметри ўрганилди, яъни, бачадон узунлиги, мм; бачадонни олдинги орқа ўлчами, мм; бачадон кенглиги, мм; эндометрия қалинлиги, мм; бачадон туби қалинлиги, мм; бачадон танаси қалинлиги, мм; бачадон бўйинчаси қалинлиги, мм; бачадон шакли; тухумдон узунлиги (ўнг ва чап), мм; тухумдон кенглиги (ўнг ва чап), мм; тухумдон қалинлиги (ўнг ва чап), мм;

тухумдон шакли (ўнг ва чап); энг кичик фолликула ўлчами (ўнг ва чап), мм; энг катта фолликула ўлчами (ўнг ва чап), мм;  $10 \text{ мм}^2$  да фолликулалар сони(ўнг ва чап); тухумдон хажми (ўнг ва чап),  $\text{мм}^3$ .

Қизларда бачадонни ультратовуш текширувини сийдик пуфагини тўлдириш методикасини қўллаш билан трансабдоминал усулда олиб борилди.

**Усулнинг мезони.** Бачадон биометриясида бачадон танасини учта кўрсаткичини аниқлашни ўз ичига олади: узунлиги, орқа олди кўрсаткичи, кенглиги ва бачадон бўйинчаси узунлиги. Бачадон танасини узунлиги, орқа олди кўрсаткичи, ва бачадон бўйинчаси узунлигини аниқлаш учун унинг бўйлама узунлиги олинади. Бунда эндометрий ва бачадон бўйинчаси шиллик қавати тўлиқ визуализация қилиниши керак. Бачадон танаси кенлигини ўлчашда уни кўндаланг ҳолати олинади.

Кичик чанок аъзоларини ультратовуш текширувида тухумдонлар бачадонга яқин жойда жойлашган ўрта эхогенликка эга эхопозитив хосила сифатида, эхонегатив киритмали фолликуляр аппаратнинг эхографик тасвири билан унча катта бўлмаган овал шаклда аниқланди. Тухумдонни характерли белгиси уни ичаклар перисталтикаси фонида харакатланмаслигидир. Тухумдонларни эхографик маркери бўлиб, уларнинг фолликуляр аппарати ҳисобланади.

Тухумдонларни ўрганиш учун кичик чанок бўшлиғининг бўйлама ва кўндаланг сканерлаш усулидан фойдаланилди. Биз, тухумдонларни максимал ўлчамларини (узунлиги, кенглиги ва қалинлиги) аниқлаш ва сўнгра унинг хажмини ҳисобладик ( $\text{узунлиги} \times \text{кенглиги} \times \text{қалинлиги} \times 0,523$ ), фолликулалар ўлчамлари ва сони аниқланди.

**Пациентни текшириш методикаси.** Сийдик пуфагини тўлдириш учун текширилувчига 4-5 стакан суюқлик (сув ёки чой) берилди ва бир соатдан кейин текшириш олиб борилади.

Сийдик пуфагини чўққиси бачадон тубини тўла ёпганда сийдик пуфагини тўлганлигини билдиради. Бунда тўлган сийдик пуфаги ичакларни кичик чанокдан сиқиб чиқаради, бачадон танасини орқага оғдириб текшириш учун қулай вазият яратади.

**Текширилувчини ҳолати.** Текширишда қиз болани белини пастга қаратган, чалқанча ётган ҳолатда ўтказилди. Қоринни пастки қисмига қовук устига гель суртилди.

**Датчикни танлаш.** 18-23 ёшдаги қизларга 3.5 мГцли, 13-17 ёшли қизларга 5 мГцли датчикдан фойдаланилди.

**Ускуна сезгирлигини бошқариш.** Датчикни сийдик пуфаги проекциясига бўйлама ҳолатда жойлаштириб, аниқ визуализацияга эришдик.

**Трансабдоминал эхография.** Бўйлама сканерлашда, аввал киндик билан қов бирикмаси марказидан, сўнг текширишни латерал қисмларда олиб борилди, аввал чап томондан, сўнгра ўнг томондан текшириш олиб борилди. Шундан сўнг кўндаланг сканерлаш ўтказилди, текширишни қовук устидан датчикни киндикка қараб юқорига силжитиш орқали амалга оширилди. Тухумдонларни яхши визуализацияга эришиш учун текширилувчини ёнбош

томонга ҳолатини ўзгартирилди ( $30-40^0$ ) ва тухумдонни ҳар бирини қийшиқ кесимини қоринни қарама-қарши томонидан текширилган.

**Бачадон танаси узунлигини** текшириш ички бўғзидан бачадон тубининг энг узок нуқтасигача бўлган масофа ўлчанади.

**Бачадон танасини олдинги орақа ўлчамини** аниқлаш учун олдинги ўлчовга нисбатан перпендикуляр ҳолатда бачадон танасининг энг кенг қисмининг ташқи контурларини олдинги ва орқа деворлари орасида ўлчанди.

**Бачадонни кенглиги, кўндаланг ўлчами** бачадон танасини энг кенг қисмида, яъни чап ва ўнг контурлари орасида ўлчанди.

**Бачадон буйинчаси узунлиги** бачадон буйинчасининг ички бўғзидан ташқи бўғзигача масофа ўлчанди.

**Эндометрия қалинлиги** бачадон ўқининг ташқи контурларини перпендикуляр-бўйлама қалинлиги ўлчанади, пролифератив фазада пайдо бўлиб, ҳайз цикли якунигача сақланиб қоладиган эхогенлиги пасайган қисм ўлчанмайди.


**Ҳажми аниқлаш.** S.W. Tamarkin, V. Dogra (2009) тухумдоннинг учта параметри – узунлиги (L), қалинлиги (H), кенглиги (W). олдинги орқа, кўндаланг ва краниокаудал ўлчамлар кўпайтирилиб ўлчанади. Олинган натижалар  $0,523$  коэффициентга кўпайтирилиб узайган эллипс ҳажмига эга бўлди.  $L \times W \times H \times 0,523$ . Текшириш натижалари анализи вариацион статистик усулда олиб борилди.

Диссертациянинг «**13 дан 23 ёшгача қизларнинг бачадон ва тухумдонларининг ҳайз даврларида, бирламчи ва иккиламчи аменореяда ультратовуш кўрсаткичларининг натижалари**» деб номланган учинчи боби еттига бўлимдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида бачадон ва тухумдонларнинг ёшга оид эхопараметрлари 13 ёшдан 23 ёшгача даврда берилган: ҳайзгача чап томонлама овуляцияда (ХЧТО); ҳайзгача ўнг томонлама овуляцияда (ХЎТО); ҳайз вақтида – ўнг тухумдонда сариқ тана бўлганда (ХВЎТС); ҳайз вақтида – чап тухумдонда сариқ тана бўлганда (ХВЧТС); ҳайздан кейин (ХК); бирламчи аменореяда бачадон ва тухумдонларнинг эхопараметрларини ёшга оид ўзгаришлари; иккиламчи аменореяда бачадон ва тухумдонларнинг эхопараметрларини ёшга оид ўзгаришлари аниқланган.

Ультратовушли текшириш натижалари кўрсатдики, ҳайз циклигача бачадон узунлиги чап томонлама овуляцияда 13 ёшдан 23 ёшгача бўлган ёшда  $35,52 \pm 0,55$  дан  $49,8 \pm 0,22$  мм гача, ўнг томонлама овуляцияда  $36,05 \pm 0,17$  дан  $49,73 \pm 0,17$  мм гача; ўнг тухумдонда сариқ тана бўлганда ҳайз даврида -  $35,75 \pm 0,71$  дан  $49,8 \pm 0,22$  мм гача; чап тухумдонда сариқ тана бўлганда ҳайз вақтида –  $35,9 \pm 0,52$  дан  $49,73 \pm 0,17$  мм гача, ҳайздан кейин –  $35,8 \pm 0,55$  дан  $49,77 \pm 0,17$  мм гача катталашади. ХЧТО, ХВЎТС, ХВЧТС ва ХК да энг жадал ўсиш 14, 16 ва 20 ёшда, ХЎТО да – 14, 17 ва 20 ёшда кузатилади. (1-расм).

Бачадоннинг олдинги-орқа ўлчамига келсак, адабиётларда жуда ҳам турли маълумотлар келтирилади. Масалан, М.С.Мартиш ва бошқ., (1990), В.И.Кулакова ва бошқ., (1994) маълумотларига биноан бу ўлчам 14-16 ёшда  $2,82 \pm 0,08$  см га тенг, К.Д.Евтушенко (2004) ва И.А.Озерская ва бошқ., (2005) –  $3,86 \pm 0,31$  см га; В.Н.Демидова (2005) – 4,2 см га, П.Е.Пальмер (2003) – 1,5-

3,0 см га тенг. Бизнинг маълумотларимиз бўйича бачадоннинг олдинги-орқа ўлчами текширилган ёш даврларида ХЧТО да  $26,6 \pm 0,39$  дан  $32,07 \pm 0,21$  мм гача, ХЎТО да –  $26,15 \pm 0,8$  дан  $33,3 \pm 0,33$  мм гача, ХВЎТС да –  $32,2 \pm 0,65$  дан  $35,5 \pm 0,33$  мм гача, ХВЧТС да –  $31,3 \pm 0,4$  дан  $37,1 \pm 0,16$  мм гача, ХК да –  $26,29 \pm 0,52$  дан  $30,2 \pm 0,22$  мм гача катталашади, бунда ўсиш 15, 18 ёш; 14, 15 ёш; 15, 16 ёш; 14, 15 ёш; 15 ёшда энг жадал кечади.



1-расм. 13 ёшдан 23 ёшгача бўлган қизларда бачадон узунлигини хайз даврларида ўсиш динамикаси

13 дан 23 ёшгача бўлган даврда бачадон кенглиги ХЧТО да 1,48 марта, ХЎТО, ХВЧТС да – 1,46 марта, ХВЎТС да – 1,38 марта, ХК да – 1,47 марта катталашади, хайз циклининг барча даврларида жадал ўсиши 14, 15 ва 20 ёшда кечади. Бизнинг натижаларга биноан бачадон кенглигини ўсиши 20 ёшда, олдинги-орқа ўлчами эса 19 ёшга келиб, бачадон бўйинчаси узунлигини ўсиши эса 22 ёшга келиб тўхтайтиди.

13-16 ёшда бачадон туби қалинлиги ХЧТО ва ХЎТО да деярли бир хил бўлиб, бунда бачадон туби максимал қалинлиги 17 ёшда, минимал қалинлиги 14 ёшда кузатилади, қолган ёшларда эса бу кўрсаткич кам ўзгаради. 13-14 ёшда ХВЎТС да бачадон туби қалинлиги 13-14 ёшда, ХК да 13-16 ёшда катталашади, сўнгра кейинги ёш даврларида ўзгармайди. ХВЎТС да бачадон туби қалинлиги 15-18 ёшда камаяди, 19 ёшда 1,0 мм га катталашади, ХК да максимал қалинлик 17 ёшда, минимал қалинлик 16 ёшда кузатилади.

Бачадон танаси қалинлиги ҳайз циклининг барча даврларида 16 ёшда катталашади, ва ўзининг дефинитив кўрсаткичларига эришади, ХК да эса 19 ёшда катталашади. Бачадон бўйинчаси текширилган ёш гуруҳларида ХЧТО, ХЎТО ва ХВЧТС да ўртача 4,0-4,1 мм га, ХК да – 4,57 мм га, ХВЎТС да – 5,65 мм га катталашади. Демак, ХВЎТС да бачадон бўйинчаси узунлиги ҳайз циклининг бошқа даврларига солиштирганда бироз узунроқ эканлиги аниқланди. Бачадон бўйинчаси узунлигининг энг жадал ўсиши ХЧТО, ХЎТО ва ХК да 15, 18 ва 22-ёшларда, ХВЎТС да – 15, 17, 22 ёшда, ХВЧТС да эса 14, 18 22 ёшда кузатилади. Бундан кўриниб турибдики, бачадон бўйинчаси узунлигини ўсиши ҳайз вақтида анча ўзгарувчан бўлади (1-жадвал).

### 1-жадвал

Бачадон эхопараметрларини ҳайзгача чап томонлама овуляция даврида ёшга қараб ўзгариши. (M±m, мин.-макс.мм)

Ёш, йил	Узунлиги	Олдинги орка размер	Кенглиги	Тубининг қалинлиги	Танасининг қалинлиги	Бўйинча узунлиги	Эндометри қалинлиги
13	35,52±0,55 32,0-42,0	26,6±0,39 22,0-32,0	32,13±0,49 29,0-40,0	19,67±0,37 15,0-25,0	13,27±0,19 11,0-14,0	21,57±0,18 20,0-23,0	12,32±0,21 10,0-14,0
14	39,65±0,15*** 38,0-41,0	27,29±0,33 24,0-32,0	35,24±0,23** 33,0-37,0	22,06±0,65** 20,0-30,0	13,65±0,17 12,0-16,0	21,47±0,17 20,0-23,0	11,0±0,33* 7,0-14,0
15	40,4±0,34 38,0-43,0	32,6±0,21*** 30,0-34,0	41,8±0,24*** 40,0-44,0	14,9±0,18*** 13,0-16,0	16,3±0,11** 15,0-17,0	22,53±0,16* 21,0-24,0	11,73±0,17 10,0-13,0
16	44,87±0,18*** 43,0-47,0	32,07±0,21 30,0-34,0	42,07±0,17 40,0-44,0	15,35±0,17 14,0-17,0	16,03±0,1 15,0-17,0	22,47±0,13 21,0±24,0	11,47±0,18 10,0-13,0
17	44,8±0,22 45,0-49,0	27,9±0,68** 20,0-34,0	43,55±0,25* 42,0-46,0	16,7±0,23* 14,0-18,0	13,95±0,34* 10,0-17,0	23,6±0,16* 22,0-25,0	8,1±0,2** 7,0-10,0
18	44,1±0,38 42,0-48,0	30,7±0,44** 27,0-34,0	41,65±0,32 40,0-45,0	17,12±0,12 16,3-18,3	15,35±0,22* 13,5-17,0	24,45±0,27* 23,0-27,0	7,8±0,17 16,3-18,3
19	45,55±0,23* 44,0-47,0	32,25±0,41* 30,0-37,0	41,55±0,19 40,0-43,0	18,04±0,11* 16,8-19,0	16,13±0,21* 15,0-18,5	24,1±0,25 22,0-26,0	7,7±0,16 7,0-9,0
20	48,85±0,29** 47,0-51,0	29,8±0,28 28,0-33,0	47,15±0,29*** 45,0-49,0	17,85±0,22 16,2-20,0	14,9±0,14 14,0-16,5	24,55±0,43 21,0-30,0	7,85±0,16 7,0-9,0
21	49,2±0,29 47,0-51,0	29,9±0,3 28,0-33,0	46,65±0,28 44,0-49,0	17,86±0,14 16,7-18,8	14,95±0,15 14,0-16,5	24,85±0,49 22,0-30,0	7,95±0,17 7,0-9,0
22	49,6±0,23 48,0-51,0	30,45±0,27 29,0-33,0	47,45±0,22 46,0-49,0	18,58±0,15* 17,4-19,6	15,23±0,13 14,5-16,5	26,3±0,27* 24,0-28,0	8,4±0,2 7,0-10,0
23	49,8±0,22 48,0-51,0	30,2±0,34 27,0-33,0	47,65±0,25 46,0-49,0	18,51±0,15 16,5-19,6	15,1±0,17 13,5-16,5	26,8±0,23 25,0-28,0	8,65±0,19 7,0-10,0

Илова: \* - олдинги кўрсаткичларга нисбатан фарқлар ишончли: \*- P<0,05; \*\* - P<0,01; \*\*\* - P<0,001.

Адабиёт маълумотларига кўра, бачадон танаси узунлиги ва бўйинчаси узунлиги орасидаги нисбат 1:2,5 ёки 1:3 ни ташкил қилади (Мартыш Н.С., 1994; Айламазян Э.К., 2004). Бизнинг маълумотларга биноан, 35% ҳолларда бу нисбат 1:2 га, 30% ҳолларда – 1:3 га, қолган 35% ҳолларда – 1:2,5 га тенг. 13 дан 23 ёшгача бўлган қизларда эндаметри қалинлиги ХЧТО, ХЎТО да 1,5 марта, ХК да – 1,6 марта катталашади.

Адабиёт маълумотларига кўра, бачадоннинг асосан ноксимон шакли кўп учрайди (Коколина В.Ф, 2001; Стрижакова А.И ва бошқ., 2004; Савельева Г.М ва бошқ., 2007). Бизнинг натижаларга биноан, бачадоннинг ноксимон шакли ёш ўтиши билан катталашади, 13 ёшда 40% га, 23 ёшда 59,6% га, шарсимон

(юмалок) шакли – 32 дан 40,4% гача, цилиндрик – 13 ёшдан 18 ёшгача секин-аста камаяди (24 дан 1,0 гача), ноаниқ шакли – 13 ёшдан 19 ёшгача 4,0 дан 1,0% гача камаяди. Бачадоннинг цилиндрик шакли 18 ёшдан кейин, бачадоннинг ноаниқ шакли 19 ёшдан кейин учрайди. Бачадон шакли ҳайз даври вақтида анча ўзгарувчан, ҳайзгача ва ҳайздан кейин бачадон шакли барқарор бўлади.

Текширилган ёш гуруҳларида ўнг тухумдон узунлиги ХЧТО да 1,23 мартага ( $23,6 \pm 0,37$  дан  $29,05 \pm 0,34$  мм гача), чап тухумдонда эса 1,35 марта ( $22,33 \pm 0,37$  дан  $30,05 \pm 0,26$  мм гача), ХЎТО да – мос равишда 1,2 ва 1,25 марта ( $24,05 \pm 0,4$  дан  $29,8 \pm 0,18$  мм гача ва  $22,88 \pm 0,46$  дан  $28,5 \pm 0,14$  мм гача), ХВЎТС да – 1,2 ва 1,3 марта ( $23,7 \pm 0,47$  дан  $28,9 \pm 0,26$  мм гача ва  $22,3 \pm 0,47$  дан  $29,1 \pm 0,25$  мм гача), ХВЧТС да – 1,22 ва 1,24 марта ( $23,8 \pm 0,33$  дан  $29,0 \pm 0,21$  мм гача ва  $22,3 \pm 0,3$  дан  $28,5 \pm 0,17$  мм гача), ХК да – 1,24 ва 1,27 марта ( $23,77 \pm 0,36$  дан  $29,03 \pm 0,24$  мм гача ва  $22,6 \pm 0,24$  дан  $28,8 \pm 0,19$  мм гача) катталашади. Иккала тухумдонларнинг узунлиги энг жадал ўсиши ҳайз циклининг барча даврларида 14, 19, 20 ёшда кузатилади. Таъкидлаш жоизки, ўнг тухумдон 22 ёшга келиб, чап тухумдон эса 23 ёшга келиб энг катта ўлчамларга эга бўлади. Кўриниб турганидек, текширилган ёш даврларида тухумдон узунлиги ўнг томонда ўртача 5,3 мм га, чап томонда 7,65 мм га катталашади.

Текширилган ёш даврларида тухумдон кенглиги ХЧТО да ўртача 2,98 мм га катталашади, чап томонда – 3,5 мм га; ХЎТО да, мос равишда – 3,55 ва 2,8 мм га; ХВЎТС да – 2,65 ва 2,05 мм га; ХВЧТС да – 4,1 ва 3,2 мм га; ХК да – 3,48 ва 2,7 мм га катталашади. ХЧТО да ўнг тухумдондаги энг жадал ўсиш 14, 16 ёшда, чап тухумдонда 14, 18 ёшда, ХЎТО да, мос равишда, 14, 18, 21 ва 18, 21 ёшда; ХВЎТС да – 14, 19, 20 ва 14, 20 ёшда; ХВЧТС да – иккала томонда 16, 21 ёшда, ХК да – 14, 21 ва 18, 21 ёшда кузатилади.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, агар тухумдонлар узунлиги ўсиши жадаллашса, унда тухумдонлар кенглиги ўсиши секинлашади, агар кенгликнинг жадал ўсишида тухумдонларнинг узунлиги ўсиши секинлашади, бунда анатомиядаги «навбатланиш қонуни» ишлайди.

Ҳайз циклининг барча даврларида тухумдонларнинг олдинги-орқа ўлчами, ХЎТО дан ташқари, иккала томонда 1,2 марта катталашади, ХЎТО да эса ўнг томонда 1,84 марта, чапда эса 1,25 марта катталашади. ХЧТО да тухумдоннинг олдинги-орқа ўлчамининг энг жадал ўсиши 15 ёшда, чап тухумдонники 14, 15 ёшда; ХЎТО да, мос равишда, 14, 16, 20 ва 15, 20 ёшда; ХВЎТС да – 14, 16 ва 15, 16, 20 ёшда; ХВЧТС да – 15, 22 ва 15, 20 ёшда, ХК да – иккала томонда 15 ёшда кузатилади. Бизнинг маълумотлар кўрсатдики, иккала тухумдонларнинг энг жадал ўсиши ҳайзгача ва ҳайздан кейин 15 ёшда кузатилади, ҳайз вақтида эса бу кўрсаткич ўзгармайди.

13 ёшдан 23 ёшгача ўнг тухумдон ҳажми 1,8 марта ( $4149,4 \pm 143,61$  дан  $7404,91 \pm 130,03$  мм<sup>3</sup>), чапда – 1,9 марта ( $3946,98 \pm 114,04$  дан  $7539,15 \pm 124,76$  мм<sup>3</sup>), ХЎТО да – мос равишда 1,6 ва 1,8 марта ( $4809,17 \pm 195,49$  дан  $7599,23 \pm 150,98$  мм<sup>3</sup> ва  $3800,60 \pm 234,80$  дан  $6842,41 \pm 100,47$  мм<sup>3</sup>), ХВЎТС да – 1,7 марта ( $4110,83 \pm 193,87$  дан  $7157,71 \pm 131,38$  мм<sup>3</sup> ва  $3916,04 \pm 170,61$  дан  $6442,41 \pm 100,47$  мм<sup>3</sup>), ХВЧТС да – 1,8 ва 1,9 марта ( $3778,57 \pm 66,25$  дан



66789,87±154,77 мм<sup>3</sup> ва 3644,30±71,77 дан 6898,79±152,05 мм<sup>3</sup>), ХК да – иккала тухумдон ҳажми бир хил ўзгаради, яъни 1,74 марта (4088,52±149,22 дан 7125,79±144,85 мм<sup>3</sup> ва 3949,01±126,35 дан 6867,30±95,27 мм<sup>3</sup> гача) ўзгариши кузатилди. ХЧТО да иккала тухумдонларнинг ҳажми жадал ўсиши 14, 16, 21, 22 ёшларда; ХК да – 14, 18, 20, 22 ёшда, ХЎТО да ўнг томонда 15, 20 ёшда, чап томонда 14, 20 ёшда; ХВЎТС да, мос равишда 14, 19, 21 ёш ва 14, 18, 20 ёшда; ХВЧТС да – 16, 20, 22 ёшда ва 15, 16, 18, 20 ёшда кузатилди. Демак, тухумдонлар ҳажми бир вақтда катталашмайди ва катталашиш турли жадалликда боради.

## 2-жадвал

Тухумдон эхопараметрларини хайзгача ўнг томонлама овуляция даврида ёшга қараб ўзгариши. (M±m, мин.-макс. мм)

Тухумдон	Узунлиги		Кенглиги		Олдинги орқа ўлчам		Ҳажм, мм <sup>3</sup>	
	У	Ч	У	Ч	У	Ч	У	Ч
13	24,05±0,4 21,0-28,0	22,88±0,46 19,0-26,0	19,45±0,33 16,0-23,0	19,0±0,36 15,0-22,0	18,85±0,52 14,0-23,0	17,3±0,39 15,0-21,0	4809,17±195,49 3045,95-6820,44	3800,60±234,80 2667,3-5246,74
14	24,46±0,63* 28,0-30,0	23,67±0,45* 20,0-27,0	22,0±0,48** 20,0-28,0	19,28±0,23* 17,0-21,0	20,33±0,37* 18,0-24,0	17,33±0,34 15,0-19,0	6112,75±297,98* 4518,72-8660,88	4468,46±247,73* 2934,03-7732,03
15	24,8±0,3 22,0-29,0	23,4±0,29 20,0-26,0	21,95±0,38 19,0-25,0	19,6±0,33 16,0-23,0	20,15±0,18 19,0-22,0	19,8±0,26** 18,0-22,0	6105,61±132,39 5337,74-7380,58	4747,61±131,71 3953,88-6567,83
16	24,9±0,26 22,0-27,0	23,4±0,26 21,0-25,0	20,3±0,24 18,0-22,0	19,4±0,2 18,0-21,0	20,8±0,19 19,0-22,0	20,45±0,15* 19,0-22,0	5411,01-94,86* 4324,47-6282,28	4866,80±105,25 3953,88-5799,02
17	24,7±0,28 21,0-27,0	22,73±0,25 21,0-26,0	18,87±0,22* 16,0-21,0	18,4±0,19 16,0-20,0	20,87±0,18 19,0-22,0	19,93±0,21 17,0-22,0	5051,52±125,73 3338,83-6213,24	4377,58±103,86 3338,83-5465,35
18	25,27±0,16* 24,0-27,0	23,8±0,32* 18,0-26,0	21,2±0,2* 20,0-24,0	20,47±0,2* 19,0-23,0	20,53±0,17 19,0-23,0	20,0±0,15 18,0-22,0	5770,15±111,81** 4769,76-7116,98	5111,00±115,98* 3577,32-6315,23
19	26,27±0,17* 25,0-28,0	25,4±0,18* 23,0-27,6	20,87±0,15 19,0-22,0	20,73±0,13 20,0-22,0	20,87±0,15 20,0-23,0	20,6±0,17 19,0-23,0	5988,59±87,93 5216,93-7145,23	5679,92±87,48* 4968,50-7145,23
20	29,67±0,22** 27,0-32,0	29,13±0,21** 27,0-31,0	21,13±0,16 20,0-23,0	20,47±0,14 19,0-22,0	21,60±0,15* 20,0-23,0	21,67±0,24* 20,0-26,0	7070,96±111,23** 6150,48-8203,78	6762,32±109,01* 5763,46-7939,14
21	29,0±0,21 27,0-31,0	27,6±0,15 26,0-29,0	23,0±0,34* 21,0-29,0	21,53±0,2* 19,0-24,0	21,47±0,17 20,0-21,47	20,2±0,11 19,0-21,0	7499,23±150,98 6150,48-9236,70	6290,30±99,11 5167,24-7280,16
22	29,8±0,18 28,0-31,0	28,53±0,14* 27,0-30,0	22,6±0,18 21,0-24,0	21,8±0,18 20,0-23,0	21,27±0,11 20,0-22,0	21,0±0,12 20,0-22,0	7504,81±114,98 6150,48-8560,46	6842,41±100,44* 5930,82-7939,14
23	29,47±0,19 28,0-32,0	28,4±0,17 27,0-30,0	22,27±0,23 20,0-25,0	21,33±0,2 19,0-23,0	21,53±0,12 20,0-23,0	20,87±0,12 20,0-22,0	7404,91±130,03 6150,48-9204,80	6628,40±115,15 5365,98-7939,14

Илова: \*-олдинги кўрсаткичларга нисбатан фарқлар ишончли: \*-P<0,05; \*\* - P<0,01; \*\*\* - P<0,001.

Бизнинг тадқиқотларимизда, 13 дан 15 ёшгача иккала тухумдонларнинг мағиз қавати қалинлиги ХЧТО кам ўзгаради, 17 ёшда иккала томонда 2,1 марта катталашади (ўнгда 2,4±0,13 дан 5,13±0,16 мм гача, чапда 2,35±0,11 дан 4,96±0,22 ммгача), 18 ёшда эса кескин камаяди (ўнгда 2,97±0,19 га, чапда 3,84±0,25 ммга), сўнгра катталашади (ўнгда 4,51±0,35 гача, чапда 4,2±0,85 мм гача), кейинги ёш даврларида, мос равишда 1,3 ва 1,5 мартага катталашади.

Иккала тухумдонларнинг мағиз қавати қалинлиги ХЎТО да 13 дан 16 ёшгача кам ўзгаради, 17 ёшда кескин катталашади—ўнгда 2,5 марта, чапда 2,4 марта, 18 ёшда кескин камаяди – ўнгда 1,7 мартага, чапда 1,4 мартага, 20

ёшда яна жузъий катталашади: ўнгда 21 ёшда  $3,79 \pm 0,18$  мм гача, чапда 20 ёшда  $4,44 \pm 0,3$  мм гача, кейинги ёш даврларида, мос равишда 1,3 ва 1,4 мартага камаяди. Иккала тухумдонларнинг мағиз қавати ХВЎТС да 13 дан 16 ёшда жиддий ўзгармайди, 17 ёшда кескин катталашади: ўнгда 1,6 марта, чапда 2,5 марта, кейин 18 ёшда яна камаяди: ўнгда  $2,97 \pm 0,19$  га, чапда  $3,6 \pm 0,23$  мм га; ва 20 ёшда яна катталашади, мос равишда  $4,51 \pm 0,35$  ва  $4,09 \pm 0,22$  мм га, кейинги барча даврларда камаяди –  $3,44 \pm 0,16$  ва  $2,82 \pm 0,12$  мм га тенг.

Иккала тухумдонларнинг мағиз қавати қалинлиги ХВЧТС да 13 дан 16 ёшда кам ўзгаради, кейин 17 ёшда кескин 2,1 марта катталашади (ўнгда  $5,19 \pm 0,18$  мм, чапда  $4,96 \pm 0,18$  мм), 18 ёшда яна камаяди (мос равишда,  $2,95 \pm 0,11$  ва  $3,87 \pm 0,18$  мм), 20 ёшда эса жузъий катталашади ( $4,14 \pm 0,17$  ва  $4,44 \pm 0,3$  мм), кейинги ёш даврларида эса бу кўрсаткич ўнгда 1,25 марта ва чапда 1,4 марта камаяди. Иккала тухумдонларнинг пўстлоғи қалинлиги ХҚ да 13-16 ёшда кам ўзгаради, 18 ёшда кескин катталашади – ўнгда 2 марта ( $2,26 \pm 0,02$  дан  $4,58 \pm 0,24$  мм га), чапда – 2,5 марта ( $2,17 \pm 0,06$  дан  $5,41 \pm 0,25$  мм гача), 18 ёшда яна кичрайиш (мос равишда,  $2,96 \pm 0,13$  ва  $3,58 \pm 0,18$  мм гача) кузатилади, кейин 20 ёшда яна катталашади ( $4,35 \pm 0,23$  ва  $4,24 \pm 0,23$  мм гача), кейинги ёш даврларида ўнгда 1,3 мартгаа, чапда 1,5 мартга яна камаяди.

Иккала тухумдонларнинг пўстлоғи қалинлиги ҳайз циклининг барча даврларида, ХЧТО дан ташқари, 13-16 ёшда кам ўзгаради, 17 ёшда чап тухумдон пўстлоғи қалинлиги ХЎТО, ХВЎТС, ХВЧТС ва ХҚ да, шунингдек ХЧТОда ўзининг энг юқори қийматларига эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, иккала тухумдонларнинг пўстлоғи ўсишидаги иккинчи сакраш ХВЎТС, ХВЧТС, ХҚ да, шунингдек чап тухумдонда ХЎТО да, ўнгда ХЧТО да 20 ёшда кузатилади. Бу чап тухумдонда ХЧТО ҳолатида 19 ёшда, ўнг тухумдонда ХЎТО да 21 ёшда пўстлоқ қалинлигининг иккинчи сакраши қайд қилинади. Чап тухумдонда ХЧТО да мағиз қаватининг жадал ўсиш даврлари 17, 19 ёшда, ХЎТО да 17, 21 ёшда, ҳайз циклининг бошқа даврларида иккала тухумдонларда 17, 20 ёшда содир бўлади.

ХЧТО да иккала тухумдонлар пўстлоғи қалинлиги 15 ёшда ўзининг юқори қийматларига етади (ўнгда  $15,4 \pm 0,37$  дан  $18,4 \pm 0,21$  мм гача; чапда  $15,27 \pm 0,21$  дан  $19,6 \pm 0,25$  мм гача) ва ХВЧТС да (мос равишда  $14,87 \pm 0,27$  дан  $18,0 \pm 0,24$  мм гача;  $15,33 \pm 0,19$  дан  $18,07 \pm 0,24$  мм гача). ХЎТО да ( $16,75 \pm 0,49$  дан  $18,8 \pm 0,19$  мм гача;  $14,95 \pm 0,33$  дан  $18,45 \pm 0,15$  мм гача), ХВЎТС да ( $15,35 \pm 0,45$  дан  $17,6 \pm 0,18$  мм гача) бўлиши кузатилади ва ХҚ да ( $15,14 \pm 0,34$  дан  $17,89 \pm 0,16$  ва  $15,09 \pm 0,23$  дан  $18,17 \pm 0,14$  мм гача) 16 ёшда, ушбу қалинликнинг иккинчи кўтарилиши иккала тухумдонларда ХВЎТС, ХВЧТС ва ХҚда 22 ёшда, ўнг тухумдонда 23 ёшда, чапда 22 ёшда кузатилади. Иккала тухумдонларнинг пўстлоғи қалинлиги энг жадал ўсиши ХВЧТС ва ХҚ да 15, 18 ва 22 ёшда содир бўлади, ХЧТО да ўнг тухумдонда – 15, 21 ва 22 ёшда, чап тухумдонда – 15, 20 ва 21 ёшда, ХЎТОда, мос равишда, 14 ва 18 ёшда, 15 ва 18 ёшда; ХВЎТС да – 14, 16 ва 21 ёшда ва 15, 16 ва 21 ёшда, иккала тухумдонларда пўстлоқ қаватининг энг кичик кўрсаткич ҳайз даврида 17 ёшда аниқланади, ХВЎТС да – 13 ёшда, ХВЧТС да – 14 ва 17 ёшда, ХҚ да эса

